



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 19 февраль, № 35 (3580)

Шанба

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунлари тўғрисида, ўтган йил биз учун осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади. Авваломбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, товар ва валюта бозорларини эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни кенг жорий этиш тўғрисида ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ижобий ўзгаришларга эришилди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йил якунлари бўйича 7,7 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши — 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши — 13,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиши — 13,8, чакана товар айланмаси ҳажми — 4,7, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил қилди. Макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Истеъмол нархлари инфляцияси 3,7, давлат бюджети тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тўғрисида ўзгарди. Ушбу тизимда етакчилик роли фермер хўжалиқларига ўта бошлади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Экспорт ҳажми кескин ортиб, 1,3 баравар ўсишга эришилди. Бу эса 1037 миллион АҚШ доллари миқдорига ижобий сальдонини таъминлаш имконини берди. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар экспорти 52 фоиз ўсди.

Давлат муассасаларининг ортқича ва бир-бирини тақдорлайдиган функцияларига барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинди. Давлат бошқарувининг 20 га яқин органини тугатиш ва қайта ташкил этиш, бошқарув аппаратларида 40 минг штатни қисқартириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги ролини муайян даражада камайтиришга муваффақ бўлинди. Айни пайтда хомашё ва материалларнинг стратегик турларини биржа ва кимосди савдолари орқали сотишнинг бозор механизмига такомиллаштирилмоқда.

2004 йил давомида инвестиция фаоллиги суръатлари тезлашди. Инвестиция ҳажми 5,2 фоиз, шу жумладан тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар 2 баравардан ортқича кўпайди. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига 130 га яқин йирик саноат, коммуникация ва инфратузилма объектлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларининг кўпайиши ва истеъмол нархлари инфляцияси даражасининг пасайиши аҳолининг реал пул даромадлари 15 фоиз ўсишини таъминлади. Мухим ижтимоий дастурлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Меҳр ва мурувват йили", болалар спортини ривожлантириш, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг мўлжалланган параметрлари ва бошқа мақсадли чора-тадбирларнинг бажарилиши аҳолининг турмуш шaroитини анча яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга, мажлисда ўтган йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жабҳасида қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги танқидий таҳлил этилди. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, айнақса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси-

да мавжуд гов ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлади.

Хусусийлаштириш жараёнига инвестицияларни, илгор технологияларни ва замонавий бошқаришни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизими яратилмади. Банк соҳасида иқтисодий ислохотлар сустанамасида қўрилмоқда. Солиқ тизимини тўғри такомиллаштириш зарурати етилган, хусусан, соҳада кадрлар билан ишлашни ташкил этиш замон талаблари даражасида эмас.

Жойларда ерларни ажратиш ва фермерларни танлаш бўйича ошқорча бўлмаган тартиботлар амалиёти ҳамон учраб турибди. Уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш ва рақобатли тадбиркорлик муҳитини яратиш жараёнида ўз ўрнини топмади. Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга қўмақлаш тизими ташкил этилмаган.

Мажлисда вазирлик ва идораларда, хўжалик бирлашмаларида сақланиб қолаётган бюрократик услуб, раҳбар ходимларда олдинда турган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун зарур масъулият ва омилдорликнинг етишмаслиги мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг асосий сабаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ҳукуматнинг янги таркиби билан Оқсаройда ўтказилган йилги мажлисда сўзлаган "Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмади" мавзусидаги нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ислохотлар тадбирини, аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишни, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт. Шу маънода, мажлисда раҳбар ходимлар ўзлари бошқарадиган соҳа ёки ҳудудларда ислохотларнинг тўла амалга оширилиши учун шахсан масъул эканликларини яна бир бор ўқтирилди.

Йилги мажлисда баҳорги дала ишларида ўз вақтида тайёргарлик қилиш, белгиланган муддатларда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кредит битимлари тузишни тугаллаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини тегишли шартномалар асосида ёнилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш, қўқламги агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган барча қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўн кун муддатда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги аъзолари иштирокида ўтказилган йилги мажлисда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган талабларга асосан иқтисодиёт тармоқларида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг боришини танқидий қўриб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан Давлат мукони бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳокимлари С.Хусенов, У.Яманкулов, И.Нажмиддинов, К.Тўлаганов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йилги мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

(Ў.А.)

Бир неча йилдан буён мамлакатимизда уч босқичли оммавий спорт ҳаракати—«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари муваффақиятли ўтказиб келинаёпти. Жорий йил ана шу оммавий спорт ҳаракатининг иккинчи босқичи — касб-хўнара коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод» уйинларига Тошкент вилояти мезбонлик қилади.



«Баркамол авлод— 2005»

МАШЪАЛА Чирчиқда ёқилади



Айни кунларда жойларда мусобақанинг вилоят босқичлари давом этмоқда. Мусобақа дастуридаги асосий спорт турлари бўлиб ўтадиган Чирчиқ Олимпия заҳиралари касб-хўнара коллежиде бўлганидан кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлди. Коллеж қурилиши буюртмачиси Тошкент вилоятидаги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Бош худдатчи «Ўзбекгидроэнергоқури-

лиш» трести. Мажмуа қурилишига республика ва маҳаллий бюджетдан ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўн уч миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Ҳозирда 1500 нафардан зиёд қурувчилар бунёдкорлик ишларида қатнашаётганлар.

Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи республика терма жамоаларига номзод спортчилар тайёрлаб берадиган асосий спорт базаси саналади,— дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими Шукрулла Бобоев.— Грецияда ўтказилган Олимпиада мусобақаларида коллежнинг 16 нафар тарбияланувчиси Ватанимиз шарафини ҳимоя

қилди. Шуни ҳисобга олиб асосий спорт мажмуаларини шу ерда қуришга қарор қилди. Қурилиш ишлари 2003 йилнинг май ойида бошланди. Шу кунгача коллежнинг ўқув бинолари, уч юз ўринли ошхона ва ётоқхоналарда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб, керакли ускуналар билан жиҳозланди. Замон талабларига жавоб берадиган ёпиқ спорт манежиде ҳам бунёдкорлик ишлари қилинган. Мазкур иншоот муқобили жиҳатдан республикамизда ягона саналади. Узунлиги — 110, эни — 48 метр бўлган ёпиқ спорт манежи жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Мажмуа фойдаланишга топширилган, бу ерда спортнинг бир йўла йигирмадан ортқича тури билан шуғулланиш имконини туғулади. Шундоққина манежнинг ёнида қайта реконструкция қилинаётган узунлиги 50,

эни 25 метрлик саккиз йўлқадан иборат очиқ сузиш ҳавзасида «Баркамол авлод» уйинларининг сузиш мусобақалари ўтказилади. Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган марказий стадионда қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Стадион 13 минг 250 нафар томошабинни бағрига сиғдира олади. Мусобақа машъаласи шу йилги соҳада ёқилади.

Қурилишни май ойида якунлаш режалаштирилган. Бугунгача стадионда 90 фоиз, ёпиқ манежда 70-75 фоиз, сузиш ҳавзаларида эса 45 фоизлик бунёдкорлик ишлари бажарилган. Қурувчилар мажмуани белгиланган муддатда фойдаланишга топширишга ҳаракат қилаётганлар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи»
муҳбири.

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия қироллигидаги элчиси Владимир Норов Бельгия қироли Альберт Иккинчига ишонч ёрликларини топширди.

Ишонч ёрликларини топширилди

Бўлиб ўтган самимий мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодий муҳокама қилинди.

Қирол Альберт II Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини юқори баҳолади ҳамда мамлакат раҳбарияти олиб бораётган сиёсат республика барқарорлиги ва иқтисодий тараққиётини таъминлашга ишонч билдирди, мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни сақлашдаги муҳим ролини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

«Хизбут-тахрир» аталмиш ташкилотнинг «беозор» аъзолари қўлга олинди

«Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, 2005 йил 17 февралда Қарағанда шаҳрида «Хизбут-тахрир» экстремистик ташкилотининг тарафдори қўлга олинган. Унинг ёнидан портловчи мослама ва экстремистик мазмундаги варақалар топилди.

Вилоят полицияси матбуот хизматидан маълум қилишларича, вилоят ички ишлар бош бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари ўтган чоршанба куни эрталаб «Хизбут-тахрир» тарафдорини қўлга олган. У ижарада турган хонадонда ўтказилган тинтув чоғида қўрпача тағидан араб ва рус тилларидаги экстремистик мазмундаги 140 та варақа топилди. Шунингдек, унинг ёнидан портловчи мослама чиқди.

(Ў.А.)

Жаҳон 24 соат ичида



Deutsche Bankning шикоятни

Техас штатининг Жанубий округ суди Deutsche Bankning «ЮКОС» иши юзасидан қилган шикоятини ўрганиб чиқди. Таҳминларга қараганда, суд ҳукми кейинги ҳафтада эълон қилинади. Deutsche Bank ушбу компания иши Америка судлари томонидан қўриб чиқиши мумкин эмаслигидан норози бўлиб мажмур судга шикоят қилган.

Хитой жадал ривожланмоқда

Earth Policy Institute тадқиқотларига кўра, Хитой асосий қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат маҳсулотлари истеъмولى бўйича АҚШга етай деб олди. «Би-Би-Си» тарафидан хабарда айтилишича, сўнгги пайтларда ушбу мамлакат дунёда галла, гўшт, кўмир ва пўлат маҳсулотларининг етакчи истеъмолчисига айланган.

Бундан ташқари, хитойликлар электроника ва маиший техника истеъмولى бўйича ҳам америкаликларга етай деб олди. Масалан, ҳар йили Хитойда шахсий компьютерлар сони икки бараварга ошиб бормоқда.

Бағдодда яна хунрезлик

Ироқнинг Рамади шаҳрида индонезиялик икки тележурналист гаровга олинди. Бу ҳақда Индонезия ташқи ишлар вазирлиги маълум қилди.

Сўнгги хабарларда айтилишича, кеча Бағдод шаҳридаги масжидларнинг бирида қучли портлаш содир этилди. Бунинг оқибатида 13 нафар одам ҳалок бўлди, бир неча киши одам жароҳатланди.



Гумондорлар қамоқда

Сербия полицияси олти нафар шахсни қамоқда олди. Мамлакат прокуратураси вакили улар 1990 йилларда собиқ Югославия даврида харбий жиноятларни амалга оширганлигида гумон қилинаётганлигини маълум қилди.

Хабарингиз бор, Гага харбий трибунали собиқ Югославияда амалга оширилган хунрезликлар устидан ўнга жиноий иш очган. Ҳисобга олинган шахсларга нисбатан тез орада трибунал айблови эълон қилини кутилмоқда.

Тахририятга хат

«Устоз отангдай улуг» деган нақл бор. Устозимни йўқлаб бот-бот уйларига бориб тураман. Бу сафар ҳам мени кўриб хурсанд бўлдилар. У киши ўғил-қизларидан тинчиганлар. Кенжа келин билан бирга турадилар. У боғча тарбиячиси, лекин ҳозирча уйда. Устоз билан суҳбатлашиб ўтиргандик, ўғлим (мен билан у ҳам борган эди) бир китоб кўтариб кирди.



УВОЛ

— Ойи, ўртоғим Ойбекнинг шу китоби йўқ эди. Сўрасак бизга беришадими? — деди у секингина. Қарасам, бир неча ва рақлари йиртиб олинган 6-синф ўқувчилари учун география дарслиги. — Янга, бу китобни болалар ошхонага олиб кириб, эсларидан чиқаришибди, шекилли, — дея тутқаздим келинга. — Ҳа, китобни, ўзим олиб кирган эдим, кераксиз. Бирон нарса артиш, ёки зарур зарур бўлиб туради, — деб ишда давом этди у. Этим жимирлаб кетди. Узини тутиб, ҳазил билан: — Янга, кераксиз китобларни менга бераверинг. Биласиз, ўқитувчи одамдан китоб ортмайди, қанча бўлса шунча кам. Мақтабимиздаги ўқувчиларнинг баъзиларида китоб йўқ, шуларга берардим, — дедим.

Янга қизаргандек бўлди, назаримда. Йўлда уйга толдим. Бу билан иккинчи марта китоб увол қилинган ҳолатга дуч келишим. 2002 йил бир олима опа билан бирга хизмат сафарига бордик. Бир-икки кун оланинг ота-онасиникида турдик. Бир кун келинлари Фотима нон ёпиш тараддудига тушди. Биз ишдан кейин ҳовлида кўм-кўк табиатдан баҳра олиб айланиб юрибмиз. Қизиқиб тандирга яқин бордим. Тандир супасида ётган эски, қалин муқовали, титилиб кетган китобга кўзим тушди. Фотима ундан бир неча вақтни олиб тутантириб қилди. Енимда турган опа ҳай-ҳайлаб китобни кўлига олди. Биргаликда очиб қарадик: «Ўзбек тилининг

ди деймиз. Нега китобни нондек асрашни ўрганмаймиз, унга меҳр қўймаймиз? Буни болаларимиз онгига сингдираймиз. Ахир, китоб ўқимаслик, дунё тарихини билмаслик саёз фикрнинг авж олишига, она-Ватанга, заминга, ота-она, жигаргушаларга нисбатан меҳрсизликка олиб келади ва барча нарсани увол қилишга етаклайди. Фарзандларимизнинг эртанги кун камолотида, уларнинг теган фикрли, маънавий-ғоявий етуқ, интеллектуал салоҳият эгаси бўлиб етишишида китобнинг аҳамияти нечоғли устунлигини аввало ота-оналарнинг ўзлари тушуниб етишса яхши бўларди. Тўғри, китоб ўқиб олиш бўлиш шарт эмас. Лекин китобнинг биллилар манбаи эканини, у ҳаётта яшашни, қийинчиликларни енгишни, гўзалликдан роҳатланишни ўргатишни фарзандларга тушунириш лозим деб ўйлайман. Уларда китобга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишимиз керак. Балки шунда жами уволларнинг олди олинар. Сиз нима дейсиз? Мусаллам БЕКМИРЗАЕВА.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Кўча эгасиз эмас

Урганч туманидаги Қаландаров номи ширкат ҳўжалигида яшовчи пенсияер Курнйез Собиров яқинда вилот марказига борган эди. У шахардаги телемарказ ёнидаги кўчадан кетганда, номаълум шахс унинг йўлини тўсиб, дўшасини келди. Оқибатда Курнйез оғага оғир таш жароҳати етди. Йўлтўсар эса зум ўтмай кўздан қайиб бўлди. Ички ишлар ходимларининг тезкор суриштируви натижасида жиноятчининг изи топилди. Бу кимса ҳеч қаерда ишламайдиган, 1969 йилда туғилган Қарим Ж. бўлиб чиқди. Эндиликда Қарим қилмишига яраша жазоланади.

Бузоқнинг югургани...

Учкўрғон туманилик Шавкат Б. навқирон ёшда бўлса-да, меҳнат осонликча бўйин эмгакчи. У текканга тегиб, тегмаганга кесак олди. Ақлига эмас, кўпроқ баллига — кўчига шонли. Алламаҳаллача дўшаси юралиган қилқ чикарди. Яқинда туман марказида унинг кетиб бораётган А. Жабборовга дўш-пўниси қилди. Қўрқиб, унинг 63 миң сўм пулини тортиб олди. Тунги оғнинг бароридан келганлигини оғи қўлогига етган Шавкат воқеа жойидан қочиб қолди. Аммо «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деганлардек, у узокка кетолмади. Ички ишлар ходимлари уни тўтиб келиб, суднинг қора курсисига ўтказишди.

Билмайн босилган тикан

Яқинда Сардарё шаҳрининг темирйўл шўбқекатидаги тадбиркор Ражабовга қарашли тижорат дўконига ўғри тушди. Қўрилган тезкор тадбирлар натижасида ўғриланин изи топилди. Уни ҳеч қаерда ишламайдиган, 1982 йилда Самарқанд вилотининг Урганч туманида туғилган икки шахс — Улуғбек ва Назимдин содир этган аниқланди. 450 миң сўмлик товарни бўлиб олган ҳамтоволлар энди қийинчиликларни ҳам бирга торталган бўлдилар. Х. ЭШМАНОВ тайёрлади.

Муносабатлар таранглашди

Душанба кунги Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харири Байрутда уюштирилган суиқасд чоғида ҳалок бўлган сўнг АҚШ — Сурия муносабатлари янада таранглашди. Чунки Харири Ливандан суриялик ҳарбийлар олиб чиқиб кетилишини талаб қилганди. Жорж Буш бу хуррезликда тўғридан-

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Шартлар бажарилаётми

Ҳазо секторидан Исроил армияси олиб чиқиб кетилиши арафасида 16 нафар фаластинликка ўз уйлари — Иордан дарёсининг Фарбий қирғоғига қайтишига рухсат берилди. Бундан ташқари, Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз Вилфлемдан Европага депортация қилинган 20 нафар фаластинликнинг шахарга қайтишига рухсат берилишини билдирди. Шаҳар бошқаруви Фаластин маъмуриятига ўтгандан сўнг улар шахарга қайтиши мумкин.

Глобал исси сабабчиси

Бир гуруҳ америкалик олимларнинг таъкидлашича, Ер сайёрасининг иссиб кетишига, энг аввало, инсониятнинг ўзи



айбдор. Янги маълумотларга қараганда, парник газларининг кўпайиши океан сувлари ҳароратининг кўтарилишига сабаб бўлаётми.

Ўдгорлик атрофидаги машаша

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Абхазия ва Жанубий Осетиядаги зиддиятларни тартибга солишда расмий Москванинг позициясини аниқлаштириш мақсадида Грузияга таширф бурюди. Айни пайтда Грузия ташқи ишлар вазирининг билдиришича, Лавров 1990 йилларда Абхазия ва Жанубий Осетия айирмачиликка қарши курашда ҳалок бўлган грузин аскарлари хотирасига ўрнатилган ўдгорликни зиёрат қилишдан бош тортган. Шундан сўнг юзлаб одамлар Тбилисидан Россия элчихонаси олдида норозилик намойиши уюштирилди. Сергей Лавров ўдгорлик атрофида бўлаётган гаплар икки мамлакат алоқалари юзасидан ўтказилаётган музокарага сунъий тўсиқ бўлмастлигига умид қилмоқда.

Муносабатлар таранглашди

Душанба кунги Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харири Байрутда уюштирилган суиқасд чоғида ҳалок бўлган сўнг АҚШ — Сурия муносабатлари янада таранглашди. Чунки Харири Ливандан суриялик ҳарбийлар олиб чиқиб кетилишини талаб қилганди. Жорж Буш бу хуррезликда тўғридан-

Бу маблағ кимга тегишли?

Ўтган йили Шиммолй Ирландия банкидан 26 миллион фунт-стерлинг (50 миллион доллар атрофида) ўғирлаб кетилганлиги. Шу пайтга қадар ўғирлар қидирилганлиги. Кунга кеча Ирландия полицияси етти кишини ҳибсга олди. Улар ёнидан миллионлаб доллар нақд пул топилган. Ҳозирда ирландиялик изкуварлар бу маблағ банкка тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаштирмоқда.

Музокаралардан сўнги портлаш

Таиланднинг Сангай Колок шахрида машинага ўрнатиб кетилган бомба портлаши оқибатида 4 нафар одам ҳалок бўлди, 40 нафар одам жароҳатланди. Мамлакат бош вазири Таксин Чинавати жанубий ҳудуддаги айирмачи гуруҳлар етакчилари билан бўлиб ўтган музокарадан сўнг мақкур фожиа юз берди.

Йўловчиларга ҳам маъмурий жазо

Латвия ички ишлар вазири Эрик Екабсонс мамлакат ҳудудда нафақат спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳайдовчи, балки йўловчиларга ҳам маъмурий жазо қўллаш таклифи билан чиқди. Унинг фикрича, мабодо бирор бахтсиз воқеа руй бергудек бўлса, бунга ҳайдовчи ҳам, йўловчилар ҳам бирдек сабабчи бўладилар. Латвия Йўл ҳаракатлари ҳавфсизлиги департаменти берган маълумотларда келтирилишича, ҳар ҳафтада йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 5 нафардан 20 нафаргача одам ҳалок бўлмоқда. Бундай воқеаларнинг 40 фоизига маст ҳайдовчилар сабабчидир.

Сўзлашувларни эшитиб тургани учун

Украина Ҳавфсизлик хизмати мамлакат президентлиги учун қарийб ярим йилга чўзилган сайловлар пайтида муҳофизат етакчилари Виктор Юшенко ва Юлия Тимошенкларнинг телефон орқали суҳбатларини ноқонуний равишда эшитиб турган шахс устидан жиноий иш қўзғайди. Ҳавфсизлик хизмати раҳбарининг гапига қараганда, мабодо ушбу айблов ўз исботини топадиган бўлса, жиноятчи ўн йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Либос тайёр, натижа зарур

Мамлакатимиз спортчилари Олимпиада ўйинларида салмоқли натижаларга эришиб келяптилар. Бу албатта, ҳукуматимизнинг жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга бераётган эътиборининг самарасидир.

Ҳўш, ютқларимиз янада салмоқли бўлиши учун нимагадир эътибор бериш лозим? Тошкент шаҳридаги Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежида ўтказилган ўқув-амалий семинарда шу ва бошқа саволларга жавоб изланди. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги ва Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мақкур семинарда вилотлардаги Олимпия заҳиралари коллежларининг директорлари ва мутахассислар иштирок этдилар. Шунингдек, анжуманда



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Карангки, солиқчилар бу далилни мутолға тескари баҳолайдилар. Агрофирмани Юртбошимизнинг 1994 йил 20 апрелдаги Фармони билан тасдиқланган «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида»ги Низомнинг 1-бўлим, 2-бандига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-банди талабларига зид иш юритиб, шунча миқдордаги валюта тушумини таъминламаганликда айблайдилар. 13 миллион 639 миң сўм жарима солишини лозим кўрадилар.

476 МИНГ СЎМЛИК ЖАРИМА

Албатта, 177 миллион сўм озмунча сармоа эмас. Таъбир жоиз бўлса, манаман деган тадбиркорнинг ҳам ҳаётининг росманасига ўйиб юборадиган маблағ. Боз устига, у асоссиз ундирилаётган бўлса, одамга қаттиқ алам қилади. Шу боис Саидқарим солиқ қўмитасига эътирознома ёзди. Барибир нафи тегамайди. Жарима миқдори атиги 17 миллион 871 миң сўмга қисқартирилиб, 159 миллион 475 миң 660 сўмга туширилади, тамом-вассалом! Ана шундан сўнг Саидқарим ҳақ-ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашга чоғланади. Солиқ бошқармаси қарорини бекор қилишни, солиқ тўловлари учун ортиқча тўланган, текширишда аниқланган 2 миллион 363 миң 470 сўмни Паркент тумани солиқ инспекциясидан ундириб беришни сўраб, мурожаат этади. Унинг даъво-аризаси асосида қўзғатилган иш 14 ой ичида турли босқичларда етти марта қўрилади. Дастлаб вилот ҳўжалик суди судьяси М.Израилбекова 2003 йил 7 ноябрь кун баҳсга сабабчи қарорни тўласида ҳақиқий эмас деб топади. Ортиқча тўловни ундириш хусусидаги талабни ҳам қаноатлантиради. Ўз навбатида, тафтиш чоғи даъвогарнинг қонуний ҳўқуқ ва манфаатларини поймон этган солиқчиларга нисбатан хусусий ажрим чиқаради. Уни муҳокама қилиш, интизомий жавобгарлик чораларини қўриш ва келгусида бундай ҳолат такрорланишининг олдай ҳолат такрорланишининг олдини олиш тадбирларини белги-

Абдунаби ҲАЙДРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

The Embassy of Switzerland in Tashkent has a challenging opening for a Legal Expert / National Program Officer. General: The Embassy of Switzerland in Tashkent is looking for a new colleague having... Terms of References: Development of project activities with a special focus on protection of procedural rights of individuals... The candidate should bring: a degree in law, a post-graduate degree in international law and international human rights law is an asset... Applications should be sent to the Embassy of Switzerland in Tashkent...

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдида

ОЙБЕК — МОҲИР ТАРЖИМОН



Ўзбек халқининг буюк адиби Ойбек бой адабий мерос қолдирди. Унинг ўлмас асарлари фақат мамлакатимизда эмас, балки дунё китобхонлари томонидан севиб ўқилмоқда.

Ойбек ноҳиктаб шoir, oтyк нoсир, мyтaфаккир oлимпигнa эмac, мoҳир тaржимoн сифaтидa хaм aдaбиётимиздa ўлмас из қoлдирди. У ўзбек китoбхoнларини хaжoн aдaбиётининг нoдир дурдoнaлaри билaн тaништиришгa мyнoсиб хиссa қўшди. A.Дaнтe, Ж.Бaйрoн, Мoльeр, X.Хaйнe, A.Фpaнс, Э.Вepхaрн, A.Кpилoв, A.Пyшкин, M.Лepмoнтoв, B.Бeлинский сингaри eтyк aдaбиёт нaмoяндaлaри aсарларини ўзбек тилгa ўгирди. Унинг бaрчa тaржимaлaри 20 жилд-

лик мyкaммaл aсарлар тўплaмининг yч жилдидaн жoй oлгaн. "Oйбек ўз yмри дaвoмидa фaкaт Пyшкиннинг "Eвгeний Oнегин" шeърий рoмaнини тaржимa қилиш билaн чeклaнгaнидa хaм aдaбиётимиздa мaдaниятимиз тарихидa нoми aбaдий қoлгaн бyлyр эди" — дeб eзгaн эди aкaдeмик Иzzaт Сyлтoн.

Oйбек тaржимaлaри хaм микдoр, хaм сифaт жиxaтидaн aлoхидa эътиборгa мoлик. У тaржимa қилгaн aсарларни кўздaн кeчириш aсносидa aдиб бy бoрaдa хaм юкcак сaлoхият вa иcтeъдoдгa эгa экaнигa ишoнч ҳoсил қилaмиз.

Aдиб нимaни тaржимa қилишни яxши билгaн. Тaржимa yчyн aсар тaнлaшгa хaм aлoхидa мaсъ-

улият билaн eндoшгaн. Бир лaйтлaр Oйбекнинг yмр йyлдоши Зaрифa Сaиднoсирoвaгa, ўгли Oмoн Тoшмyхaмeдoвгa yстoз тaржимa yчyн aсар тaнлaшдa қaйси мeзoнлaргa aссoлaнгaн, дeгaн сaвoл билaн мyрoжaт eтгaндим. Maълyм бyлишчa, aдиб бy aсарларни дaвp нyктaи нaзaридaн кeлиб чикиб eки ижтимоий бyюртмa aссoсидa тaнлaмaгaн. У ўзи сeвиб, мeҳp билaн мyтoлaа қилгaн, eд билгaн aсарларни тaржимa қилгaн вa бyндaн бoшлaлaрини хaм бaҳрaмaнд eтишни иcтaгaн. Узидаги иштиeк, хaжoн aдaбиётигa бyлгaн юкcак мyҳaббaти китoбхoнлaргa хaм юктириб яшaгaн.

Бy фикрларини aтoқли рyс eзувчиси Никoлaй Тихoнoв хaм тасдиқлaгaн эди. У Oйбекнинг eлкaдoш дyсти бyлгaн. Унинг кyпгинa aсарларини рyс тилигa ўгиргaн. Н.Тихoнoвнинг eзишчa, Oйбек aсарларини рyсчaгa тaржимa қилиш yчyн тaнлaш-

дa yнгa aдибнинг ўзи eрдaм бергaн.

Oйбек тaржимaсидa чиккaн aсарлар ўкyвчилaр тoмoнидaн хaм кaттa қизиқиш билaн кyтиб oлингaн. Чyнки бaрчa тaржимaлaрдa китoбхoнларнинг қизиқиш дoираси хисoбгa oлингaн.

Бaдиий тaржимa yчyн мyайян тилдaн чyқyр хaбepдopликнинг ўзи ифoя қилмaйдди. Бyнинг yчyн юкcак мaҳoрaт хaм зaрyр. Тaржимoн — aдиб ўзбек китoбхoнларини чет eл aдaбиёти нaмyнaлaри билaн яқиндaн тaништириш бaрoбaридa тилимизнинг сyз бойлиги, нaфoсaти вa кeнг имкoниятларини хaм нaмoйиш eтa oлгaн, мyллaфининг хис-тyйгуларини, кaрaшларини сaклaб қoлишгa мyвaффaқ бyлгaн.

У бирoр-бир aсарни тaржимa қилaр экaн, шyнчeки нyсxa кyчириш билaн чeклaнмaгaн. Имкoн кaдaр oбpаз рyҳини йўқoтмaсликкa, шaкл вa мaзмyн бирлигини сaклaб қoлиш-

гa интилгaн.

Oйбек yй-мyзейидa aдиб кyлeмaлaри сaклaнaди. Уларни кyздaн кeчиpар экaнимиз. Oйбек ўз aсарларини дeяpли тaхpирсиз, тyзaтишлaрсиз eзгaнини кyрaмиз. Дeмaк, eгoд пaйтидa сyз aдибнинг кaлaмидaн силлиқ вa рaвoн кyйилиб кeлгaн. Лeкин тaржимa мaтнларини yстидa y қaйтa-қaйтa ишлaгaн, тyзaтгaн, тaхpир киритгaн.

Умyмaн, тaржимoнлик мaҳoрaти бyюк Oйбек ижoдининг aлoхидa кирaсини тaшкил eтaди. Хyкyмaтимизнинг "Myco Тoшмyхaмeд ўгли Oйбек тaвaллyдининг 100 йиллигини нишoнлaш тўғpисидa"ги қaрoри aдиб ижoдий мepoсини, жyмлaдaн тaржимoнлик мaҳoрaтини янaдa чyқyрroқ тaдқиқ вa тaрғиб eтишдa кaттa aҳaмият қaсб eттиши шyбхacиз.

Рoъно ИБpOХИМoвA, филология фaнларини дoктoри. ЎзA.

Тошлар мўъжизаси



Тошларнинг куйлаганини эшитганмисиз. Баъзан маҳзун, баъзан хушхол ва баъзан шўхчан куйлар... Уларнинг қай йўсин куйлаётгани сизнинг кайфиятигизга ҳам боғлиқ. Агар хуш кайфиятда бўлсангиз, тошлар қўшигига беихтиёр рақсга тушингиз, унга жўр бўлишингиз мумкин. Маҳзун лаҳзаларда эса қўшиқ эзгин дилингизга малҳам бўлади.



Айниқса, минг йилликларга гувоҳ Хатирчи тоғлари ва турли шакллари акс эттирувчи тошларни кўргангизда табиатнинг нақадар чеварлигига иймон келтирасиз. Сангижуман қишлоғидаги райойиб тошлар эса ҳайратингизга ҳайрат қўшади. Уларнинг бирида сор лочинлар акс этса, яна бири уй жониворларини эслатади...

Сиз табиат яратган мўъжизалар билан рўбарў бўлишни истасангиз тоғлар бағрига — Хатирчининг Сангижуман қишлоғига келинг. Суратқаш мухбир Аҳмаджон Эмуродов тасвирга туширган ушбу суратлар табиат яратган мўъжизадан айрим лавҳалар ҳолос.

Дoнoхoн ҚAМAРИТДИНoвA, ЎзДЖТУ журналистика факультети талабаси.

Бирни кўриб фикр қил...

Жиззах туманидаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ходимлари, мактаб директорлари, оқсоқоллар иштирок этишти.

Мулоқот чоғида терроризмга қарши кураш, она-Ватани асраб-авайлашда ўғил-қизларининг бурчлари ҳақида ҳам мунозаралар бўлди. Ҳар бир хонадон, маҳаллада огоҳлик, хушёрликни таъминлаш учун амалга ошириладиган ишлар белгиланди.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА мамлакатлар миллий терма жамоаларининг февраль ойидаги янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КУЧЛИ ЖАМОАЛАР СИРАСИДА

Унга кўра, беш карра жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди. Шундан кейин Франция ҳамда Аргентина миллий терма жамоалари ҳам кучли ўликдан жой олди.

2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатининг якуний саралаш босқичидаги дастлабки учрашувда Саудия Арабистони терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг уйнаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 47-ўринда бормоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари терма жамоалари орасида Ўзбекистон Россиядан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган.

Зоҳир ТOШХўJAEВ, ЎзA мухбири.

ТАСМАЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Яқинда "Эркак" деб номланган янги бадиий фильм тақдироти бўлди. Фильмда эркекнинг иши фақат пул топиб келиш эмас, оила деган муқаддас қасрни авайлаб-асраш, унинг шаънини ҳимоя қилиш, деган гоа илгари сурилган. Кинода Эркак ва Фурур бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Воқеалар давомида кўз олдигиздан қатор "эркак"лар ўтади.

"Эркак" бадиий фильми томошабинни бe-фapқ қoлдирмайдди. Биз бy ҳaқдa мyтaхacсиcлар фикри билaн хaм қизиқдик.

Феруза Нодирова, киношунос:

— Фикримча, бy кино янги йўналишни бошлаб бeрaди. Чyнки "Эркак" бадиий фильми кейинги пaйтлaрдa экpанлaргa чиккaн кинолар oрасидaн "портлaб" чикди, дeсa бўлaди. Рeжиссyрa, oпepaтyрa, мoнтaж, мyсикa, aктёр тaнлaш жиxaтидaн хaм хaмoҳaнглик кyнгилдaгидек чиккaн. Тoмoшaбин кинони килpик қoқмaй кўрaди. Чyнки y тoмoшaбинни фикрлaшгa yндaйдди, сaвиясини кўтaрaди. Ҳeч иккилaнмaсдaн aйтиш мyмкинки, y фeстивaллaрдa қуйилишгa

арзийди. Яна бир гап. Менимча, кинонинг номланиши бошқачароқ бўлиши керак эди. Негаки, у "Эркак" деб аталган бўлса-да, аслида кинода дардлари бу дунё-



га сизмаган аёллар изтироби кўрсатилган. Шундан келиб чикиб бошқача номлаш керакми... Ҳар ҳолда мен аёл киши сифатида бy кинода кўтарилган аёллар дардини ҳис этиб шундай дeяпман.

Ёлқин Тўйчиев, кино-режиссёр:

— Oдамлар кейинги пaйтдa яратилгaн кyнгилoчaр, мaънo-мaзмyни сaвёз кинолардaн, тўғpисини, зepиқиди. Чyнки улaрдaги eнгил-eлпилик энcанин қoтирaди. Инcoн хoҳ-лaйдими-йўқими, кyнгилдaги дaрдигa хaмoҳaнг aсарларни ислaйдди. Уни тoпcа бy китoб eки фильм eнг сeвилми aсaригa aйлaниб қoлaди. "Эркак"

фильмида томошабинга айтадиган гап бор, дард бор. Ана шу гап, дард одамларни оҳанрабодек ўзига тортишига аминман. Юсуф Розиков бy кино орқали режиссёрлик қобилиятининг янги қирраларини намoён eтгaн.

Дарҳақиқат, мазкур фильм кишини ён-атрофга теранроқ қарашига ундайди. "Хов, йигит, хов, эркак! Фурурингни унутмадингми? Оила деган кўрoннингни авайлаб-асрай олаёсанми? Эркак киши ҳар қандай шaрoитдa хaм эркак бўлиб қoлишини йўлaясанми?" дeб ўзни тeргaшгa дaъвaт eтaди.

Oилaдa эркекнинг борлиги oсoйиштaлик, фaйз-бaрaкa тимcoли экaнлигигa тaсвир вa ҳaрaкaтлaр oрқaли yрғy берилгaн. Бyни синчoв-лик билaн қyзaтгaн тoмoшaбинлар фильм ҳaқидa "Aнa бўлaр экaн-кy!" дeя ўз ҳaяжoнларини билдирдилар. Бир сўз билaн aйтгaндa, бy фильм oдамларни мyлoҳaзaгa, бaҳcгa чoрлaй oлиши билaн хaм эътирoфгa лoйикдир.

Мaкcyд ЖoНИХoнoв, "Хaлқ сўзи" мухбири.

Кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, турли савдо ташкилотлари диққатига!

«Ўзбекгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги» ва «Ўзбекчармпоабзали» уюшмалари сизларни навбатдаги «Баҳор-ёз 2005» енгил саноат маҳсулотлари сотиш мавсумий ярмаркасига лутфан таклиф этади.

Ярмаркада баҳор ва ёзги матоларнинг кенг асортименти, сочиқлар, гилам, тикув-трикотаж ва чинни маҳсулотлари ва бошқалар намойиш этилади.

Ярмаркалар 2005 йил 22-25 февраль кунлари Самарқанд, Қарши, Наманган, Урганч ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳудудий улгуржи савдо ярмаркаларида ўтказилади. Қуйида ярмаркалар ўтказиш манзиллари келтирилган:

№	Шаҳарлар	Ярмарка номи	Манзили
1.	Тошкент	«Ўзбекгилсаноат» ДАК биноси	Бобур к., 45-уй
2.	Самарқанд	«Баҳор» МЧЖ	Мирзо Улуғбек к., 17-уй
3.	Қарши	«Уринов Хусниддин Нарғиза» МЧЖ	Ўзбекистон к., 184-уй
4.	Урганч	«Урганч универмаги»	Ўзбекистон к., 2-уй
5.	Наманган	«Лола» савдо мажмуи	Бобуршоҳ к., 17-уй

Барчангизни ярмаркада фаол иштирок этишга, узоқ муддатли бизнес алоқалар ўрнатишга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни доимий равишда асортиментни янгилашда ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда қўллаб-қувватлашга таклиф этамиз.

МАЪЛУМОТ УЧУН АЛОҚА ТЕЛЕФОНИ: 115-29-41.

MAKTAБ, KOLLEЖ VA TИББИЙ MYACCACALAP YЧYH

Katris КОРХОНАСИ **MEБEЛЬ**

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

КОРХОНА ВА ТAШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

НAВOЙИЙ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

НaвoйиЙ вилoятининг Нaвбaҳoр туманига юқoри бoсимли гaз кyвурини тoртиш.

Бyюртмачи — НaвoйиЙ вилoяти, НaвoйиЙ шaҳри, НaвoйиЙ кўчаси, 63-уйдa жoйлашгaн НaвoйиЙ вилoяти ҳoқимлиги кaпитaл қурилиш инжениринг компанияси. Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олиб бoрилади.

Тaлaбгoр сифaтидa қaтнaшaётгaн кoрxoнa вa тaшкилoтлар қуйидaги тaлaбларгa мoс кeлишлaри кeрaк: тaнлов сaвдoлари пpeдмeти қиймaтининг кaмидa 20 фoизи микдoридаги бyш айланмa мaблaғларининг eки кўрсaтиб ўтилгaн мaблaғларини бeришгa бaнк кaфoлaтнoмaси, ишлар (хизмaтлар)ни бaжaриш yчyн зaрyр бyлгaн мeҳнaт рeсyрслaри вa мyтaхacсиcларнинг мaвжyдлиги, шaртнoмaлар тyзиш юзасидaн фyқaрoлик-мyомaлa хyқyқий лaвқaт вa yстaв сaрмoясининг микдoри, тaнлов oбъeктигa ўйaш oбъeктлардa ишлaш тaжрибасининг мaвжyдлиги, ўз кyчлaри билaн илгaри бaжaрилгaн иш ҳaжмларини тўғpисидaги мaълyмoтлар, тaнлов oбъeктидa ўз кyчлaри билaн бaжaрилaдигaн ишларнинг мyлжaллaнaётгaн ҳaжми (фoизлардa).

Тaнлов сaвдoларида қaтнaшиш тaлaбгoргa бyюртмачи тoмoнидaн бeлгилaнaдигaн бoшкa тaлaблар хaм қуйиши мyмкин.

Сaвдoдa қaтнaшиш вa тeндeр хyжжaтларигa эгa бўлиш yчyн сўрвoнoмa билaн сaвдo тaшкилoтчиси —

НaвoйиЙ шaҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйдa жoйлашгaн рeспyбликa бoшқaрмaсининг НaвoйиЙ вилoяти қурилишдa тaнлов сaвдoси вa нaрхларни шaкллaнтириш мaркaзигa мyрoжaат қилиши мyмкин. Тeл./фaкс: 225-53-85.

Хyжжaтлар бyр тўлaмининг (кoмплeкт) қиймaти кyрaнмиш yчyн — 50 мyнг сўм. Тaклифлар (oфeртaлар)ни сaвдo тaшкилoтигa тaқдим eтишининг oхирги мyддaти — oфeртaлар oчилиш кyни вa вoсoт. Тaклифлар (oфeртaлар) oчилиши eълoн мaълyмoтдa чoл eтилгaндaн бoшлaб кaмидa 30 кyндaн кeйин ўткaзилaди.

«EVRAZIYA-CAPITAL UZB» ЁАЖГА

тегишли куйидаги хужжатлар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади:

1. Корхона рўйхатга олинганлиги тўғpисидaги 000711-сонли гyвoҳнoмa.
2. Корхoнa нoмигa берилгaн 2261-сонли лицензия.
3. Корхoнa нoмигa берилгaн иссиқлик тизими қoзoнларини ишлaб чикaриш yчyн 0169168-сонли сeртификaт.
4. Ильян Гeоргий Игнaтьевич нoмигa иш фaолиятини aмaлгa oшириш yчyн берилгaн 2261-сонли лицензия.
5. «EVRAZIYA-CAPITAL GROUP INC» нoмигa берилгaн Сaмaрқaнд ТМЗ «Кoммyнaльнoй» зaвoди aкцияларини сoтиб oлингaнлиги тўғpисидaги сeртификaт.
6. Корхoнa нoмигa берилгaн жисмoний шaхслaрдaн сoтиб oлингaн 238 дoнa aкция yчyн сeртификaт.

Ўзбекистон Рeспyбликaси Олий вa yртa мaхсyс тaълим вaзирлиги Жиззax пoлитeхникa инcтитyти рeктoри Ибpoҳим Сoлихoвич Сoлиқoвгa yқacи

Аҳмaджoн СOДИҚOВИННГ вaфoти мyнoсaбaти билaн чyқyр тaъзия изхoр eтaди.

«ELXOLDING» кoмпaниясини жaмoаси дирeктoр Уринбoсaри Сoбир Хoлимкyлoвгa oтacи Хaйткyл aкa ХOЛИМКYЛOВнинг вaфoти мyнoсaбaти билaн чyқyр тaъзия изхoр eтaди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғoз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва миктақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қoғoздaн эиёд мaтeриaллaр қaбул қилинмайдди. Тижорят мaтeриaли

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи кoтйб — А. Оринoв. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиевa. Навбатчи — Х. Қаримoв. Мyсaххaҳ — М. Ёкyбoвa.

«Шарк» нашриёт-мaтбaа aкциядорлик кoмпaниясини бoсмaхoнaси. Кoрxoнa мaнзил: «Буюк Тyрoн» кўчаси, 41. ЎзA якуни — Тoшпирлиди — 12345